

# "Ўзкимёсаноат" АЖда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатлар бўйича семинар ўтказилди

// 05 октабр 2022 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/korrupsiyaga-qarshi-kurashish-sohasida-qabul-qilingan-ichki-meyoriy-hujjatlat-seminar>



Республикамызда коррупцияга қарши курашиш борасида қилинаётган ишлар ижобий натижалар бермоқда. Корхоналарга ишга кираётган ёш ходимларни бу борада ҳуқуқий маданиятини ошириш долзарб вазифалардан биридир.

Жорий йилнинг 3 октябрь куни "Ўзкимёсаноат" АЖ Комплаенс хизмати ва жамиятнинг ходимлар билан ишлаш бўлими томонидан ишга кирган ёш ходимлар учун семинар ўтказилди.

Тадбир давомида ёш ходимларга Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган қонунлар, қарорлар, фармонлар ҳамда "Ўзкимёсаноат" АЖда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш сиёсати", "Хизмат одоби кодекси", "Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати" ва "Совғалар бериш ва олиш сиёсати" каби ички меъёрий ҳужжатлар тўғрисида тегишли тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, маърузачи семинар иштирокчиларига коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган маъмурий ва жиноий жавобгарликлар тўғрисида маълумотлар берди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг " 61<sup>1</sup>-модда, 193<sup>1</sup>-модда, 193<sup>2</sup>-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддасининг иккинчи қисми «г» банди, 168-моддасининг учинчи қисми «в» банди, 1929-модда, 19210-модда, 205-модда, 209-модда, 210-модда, 211-модда, 212-модда, 214-модда, 243-модда, ҳамда 301-моддасида кўрсатилган жиноятлар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар туркумига кириши маълум қилинди.

Яқунда семинар иштирокчилари билан савол-жавоблар ўтказилиб, коррупцияга қарши тарғибот тадбирлари режали тарзда мунтазам ўтказилиши белгилаб олинди.



**Uzkimyosanoat**  
AKSIYADORLIK JAMIYATI

### "КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАЛИШИ СОҲАСИДА ЖАВОБГАРЛИКЛАР

**КОДЕКС**  

	"Миямурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекс 61 <sup>1</sup> (Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини <i>пора эвазига оғдириб олиш</i> ), 193 <sup>1</sup> (Давлат органнинг, давлат иштирокидаги таъхилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органнинг хизматчисини <i>пора эвазига оғдириб олиш</i> ), 193 <sup>2</sup> (Давлат органи, давлат иштирокидаги таъхилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишида моддий қимматликлар олиши ёки мулккий манфаатдор бўлиши) моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар;
	Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167 (Ўзлаштириш ёки расм тартиб бўли билан талон-торож қилиш) - моддасининг иккинчи қисми «г» банди
	168 (Фирибгарлик)-моддасининг учинчи қисми «в» банди, 192 <sup>3</sup> (Тижорат да <i>пора эвазига оғдириб олиш</i> ) 192 <sup>4</sup> (Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини <i>пора эвазига оғдириб олиш</i> ), 205 (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмоз қилиш), 209 (Мансаб сохтакорлиги), 210 ( <i>пора олиш</i> ), 211 ( <i>пора бериш</i> ) моддалари
	212 ( <i>пора олиш - беришда воситачилик қилиш</i> ) 214 (Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишида моддий қимматликлар олиши ёки мулккий манфаатдор бўлиши) - моддалари, 243 (Жиноий фаолиятдан олingan даромадларни легаллаштириш)-моддасида назарда тутилган жиноятларни мансаб мавқеядан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳамда
	301 (Ҳокимиятни суиистеъмоз қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиққин ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги) - моддасида кўрсатилган жиноятлар.

